

47 - сонли шартнома

(Профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини олиб бориш туғрисида)

Тошкент шаҳри

“20” июнь 2022 й.

"UMIDLI SANA" МЧЖ номидан Устав ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан 17.06.2005 йилдаги 4635-ТИБ-сонли лицензия асосида фаолият юритувчи директор М.А.Юсупова кейинги уринларда «Ижрочи» деб аталувчи ва **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети** номидан Устав асосида фаолият юритувчи проректор В.У.Ёдгаров, кейинги уринларда «Буюртмачи» деб аталувчилар мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1. «Буюртмачи»нинг топшириғига биноан «Ижрочи» мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган объектларни дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини олиб бориш ва топшириш, «Буюртмачи» эса кўрсатилган хизматларни ўз вақтида қабул қилиш ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.
- 1.2. **Профилактик ишлар олиб бориладиган объект:** Университет ўқув бинолари ҳамда талабалар турар жойлари.
- 1.3. **Объект ҳудудига:** барча қурилма майдонлари, яшаш хоналари, йўлаклар, девор жавонлари, санузел, ошхона, зинапоя, холл, майдон ва ёрдамчи майдонлар (ертўла, чердак, техник ертўла, ахлат камераси, сарой, гараж, утхона ва бошқалар) ва қурилмалари йўқ майдонлар кирази.
- 1.4. «Ижрочи» томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар:

Ўқув бинолари ва талабалар турар жойлари

Т/р	Хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Оператив майдон	Ўлчов билиги нархи	ҚҚС	ЖАМИ
1	Дезинфекция	м2	568 890	55	ҚҚС тўловисиз	31 288 950,0
			113 778	55		6 257 790,0
			113 778	65		7 395 570,0
			113 778	55		6 257 790,0
			113 778	55		6 257 790,0
			113 778	55		6 257 790,0
			113 778	60		6 826 680,0
			113 778	55		6 257 790,0
ЖАМИ:						76 800 150,0
2	Дератизации	м2	739 557	13	ҚҚС тўловисиз	9 614 241,0
			147 911	14		2 070 754,0
			147 911	15		2 218 665,0
			147 911	14		2 070 754,0
			147 911	15		2 218 665,0
			147 911	14		2 070 754,0
			147 911	14		2 070 754,0
			147 911	15		2 218 665,0
ЖАМИ:						24 553 252,0
3	Дезинсекции	м2	284 445	40	ҚҚС тўловисиз	11 377 800,0
			56 889	40		2 275 560,0
			56 889	41		2 332 449,0
			56 889	40		2 275 560,0
			56 889	40		2 275 560,0
			56 889	42		2 389 338,0
			56 889	40		2 275 560,0
			56 889	45		2 560 005,0
ЖАМИ:						27 761 832,0
ҲАММАСИ:						129 115 234,0

- 1.5. Профилактик ишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.04.1997 йилдаги 198-сонли буйруғи, методик қўлланмалари ва бошқа норматив хужжатлар асосида олиб борилади.
- 1.6. Объект хажми техник хизмат кўрсатиш бюроси (БТИ) ва Давлат ер кадастр шаҳар, туман бўлимлари томонидан берилган техник паспортлар ва ер кадастр хужжатлари асосида белгиланади.

***Изох:** «Ижрочи» томонидан «Буюртмачи»нинг объектида барча профилактик ишларининг олдиндан бажарилиши бу шартнома олдидаги мажбурият тугагини англатмасдан, балки шартноманинг амал қилиш давомида бажарган ишларининг натижаларини текширишга ёки профилактик назорат олиб боришга ва шартноманинг III-булимидаги ҳисоб-китобни амалга оширилишини амалда бўлишини англатади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- а) Шартномада белгиланган муддатларда Профилактик ишларни бажарилишини талаб қилиш;
- б) «Ижрочи»нинг ишларига аралашмаган ҳолда назорат олиб бориш. Назорат этиш жараёнида «Ижрочи» томонидан бажарилган ишларда камчиликларни аниқлаган тақдирда уни ўз ҳисобидан текинга амалга оширишни талаб этиш;
- в) Профилактик ишлар бажарилиши самарадорлигини ва ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида:
- Профилактик ишлар учун объектни тайёрлаш ва кириш имкониятини таъминлаш;
 - объектни ёритиш;
 - электр ҳафсизлиги билан таъминлаш;
 - ертулаларни сувдан тозалаш ва қуриштириш;
 - «Ижрочи»нинг курсатмаси асосида кемирувчилар уяларини ва қавакларини беркитиш учун материал ва ишчи кучи билан таъминлаш;
 - зинапояларни, туткичларни, полларни таъмирлаш;
 - шунингдек бошқа техника ҳафсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини яхшилаш ва таъминлаш;
- в) Мазкур шартнома шартларини амалга ошириш учун буйруқ асосида масъул шахсни тайинлаш ва буйруқ нусхасини «Ижрочи»га топшириш;
- г) «Ижрочи» томонидан Профилактик ишлари олиб бориш вақтида берилган йуриқнома ва қўлланмаларга риоя қилиш;
- д) «Ижрочи»нинг дори-дармонларига ва анжомларини сақлаш ва махсус уст бошларини алмаштириш учун алоҳида хона билан таъминлаш.

2.2. «Ижрочи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- а) Бажарилган ишлар учун уз вақтида туловни амалга оширишни талаб қилиш;
- б) «Буюртмачи»дан профилактик ишларни ҳафсиз ва самарали амалга оширишга амалий ёрдам беришни талаб қилиш;
- в) Профилактик ишларини шартнома шартларига мувофиқ сифатли ва инсонлар соғлиги учун ҳафсиз олиб бориш;
- г) «Буюртмачи»ни Дез. моддалар ҳақидаги эҳтиёт чораларини тушунтириш;
- д) «Буюртмачи» ҳудудида кемирувчи ва ҳашаротлар тарқалишига омил буладиган шароит ва сантехник камчиликларни топишни ва уларни йўқотиш йул - йўриғини «Буюртмачи»га ургатиш;
- е) Профилактик ишларини уз кучи билан амалга ошириш.
- ё) «Буюртмачи» томонидан аниқланган барча камчиликларни ун иш кунини бартараф этиш.
- и) Шартнома юзасидан бажарилган барча профилактик хизматларининг сифатига жавоб беради.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

- 3.1. Шартноманинг баҳоси «Ижрочи» томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Прейскурант асосида белгиланади. Прейскурант мазкур шартномага илова сифатида «Буюртмачи»га бир нусхаси топширилади.
- 3.2. Шартноманинг умумий суммаси **129 115 234 (бир юз йигирма тўққиз миллион бир юз ўн беш минг икки юз ўттиз тўрт) сўм ҚҚС тўловисиз.**
- 3.3. Шартнома уз кучини йўқотганига қадар шартнома баҳоси узгармас бўлиб қолади.
- 3.4. Шартнома газначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтгандан кейин кучга киради.

- 3.5. Шартнома қонуний кучга киргандан сўнг «Буюртмачи» «Ижрочи»га 10 кун ичида Молия вазирлиги ғазначилигидан рўйхатдан ўткандан сўнг, шартноманинг йиллик баҳосининг олдиндан 30 фоизи, қолган 70 фоизи «Ижрочи» бажарилган ишлар тўғрисидаги хужжатлар (ҳисоб-фактура) топширилгандан сўнг амалга оширилади.
- 3.6. Шартномада белгиланган муддатда «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширмаса «Ижрочи»га ҳар бир кечиктирган кун учун 0.4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, аммо шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда.
- 3.7. «Ижрочи» шартномада белгиланган муддатларда профилактик ишларни амалга оширмаса «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, аммо шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда.
- 3.8. Томонлар мазкур шартнома шартларини бажармаганлик юзасидан жарималар тўлаши шартнома олдидаги мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

IV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 4.1. Шартнома шартларини бажариш ва уларни шарҳлаш юзасидан келиб чиқадиган низолар ўзаро музокаралар орқали хал этилади.
- 4.2. Низолар музокаралар орқали хал этилмаган тақдирда, низони хал этиш учун жавобгар жойлашган ҳудуд бўйича иқтисодий судига берилади.

V. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРШИШГА ДОИР МАЖБУРИЙ ШАРТЛАР

- 5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:
Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини амалга оширмаслик;
Шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишига, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида «UMIDLI SANA» МЧЖ ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт.
Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар.
- 5.2. 5.2. Агар томонлар шартнома шартларининг узулишига дуч келса, шунингдек «UMIDLI SANA» МЧЖ ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида қуйида алоқа каналларига муроҷжат қилиш мумкин.
«UMIDLI SANA» МЧЖ ишонч телефонлари (71) 248-65-96.

VI. ФОРС-МАЖОР

- 6.1. Енгиб бўлмайдиган кучларга (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ булмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кучки, бурон, кургокчилик ва б.) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш, камал, давлат манфаатларини кузлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.
- 6.2. Шартноманинг 6.1.-бандида назарда тутилган форс-мажор ҳолатларида томонлар шартнома олдидаги мажбуриятларидан форс-мажор ҳолат тугагунга қадар озод бўладилар.

VII. ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР

- 7.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.
- 7.2. Шартнома томонлар имзолаб ўз муҳрларини қўйган вақтдан бошлаб кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилга қадар амалда бўлади.
- 7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.
- 7.4. Мазкур шартнома орқали тартибга солинмаган муносабатларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган қоидалар қўлланади.

VIII. ТОМОНЛАР МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

«Ижрочи»

<p>Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ташкент ш., Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси - 4 ш.х.в - 4009 108 602 628 070 941 000 790 01 СТИР – 200 845 944 (ЎЗМУ) ЎЗР МВ Ғазначилиги Амалиёт бошқармаси банк: ХККМ Тошкент шаҳар МБ ББ х/р- 23 402 000 300 100 001 010 СТИР: 201 122 919 (МВ), МФО – 00 014</p>	<p>“ UMIDLI SANA” МЧЖ Тошкент ш., Олмазор тумани, Уста-Ширин, 1-боши берк кўчаси, 1-уй х/р – 2020 8000 9044 0248 2001 “Ипак йўли” АИКБ банк бош офис СТИР – 205 634 143 МФО – 00 444 ОКЕД – 86 900</p>
--	--



Проректор

[Handwritten signature]



М.Ў.

Директор

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]
Джяева Т.Х

[Handwritten signature]



МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЛИЦЕНЗИЯ

на осуществление медицинской деятельности

№ У-4635-02

1-номер лицензии

Настоящая лицензия выдана: "UMIDLI SANA" MCHJ

(наименование юридического лица, с указанием организационно-правовой формы)

Местонахождение (почтовый адрес) организации:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-берк кўчаси, 1-уй.

Место (адрес) осуществления медицинской деятельности:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-берк кўчаси, 1-уй.

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

205634143

Разрешенные виды специализаций и тип медицинской организации:

Лабуватор шифолида дезинфектология (дезинфекция, дезинсекция, дератизация) хизматини кўрсатиш.

Дата продления лицензии

01.03.2018г.

(число, месяц, год)

Срок действия лицензии до:

01.03.2023г.


(число, месяц, год)

Порядковый номер по реестру лицензии

2143

Уполномоченное лицо: Юсуфлиев Б.К (Ф.И.О. руководителя лицензирующего органа)

Уполномоченное лицо:



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'IRISIDA

ГУВОҲНОМА

№ 005044

Reestr № 000829-05

2011 yil "18" yanvar

Mazkur guvohnoma

"UMIDLI SANA"

yuridik shaxsga berildi.

THSHT (ОПФ)

1153

MSHT (ФС)

142

MHBT (COATO)

1726280

KTUT (OKIPO)

20155012

XXTUT (OKOHX)

91530

STIR (ИНН)

205634143

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Jamoa

Mulkchilik shakli:

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

OLMAZOR TUMANI,
USTA SHIRIN KO'CHASI, 1-BERK KO'CHASI, 1-UY

Yuridik shaxs kodi:

Dezinfeksiya stansiyalari faoliyati

Asosiy faoliyat turi:

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

Qo'shimcha ma'lumotlar: S. RAHIMOV TUMANI HOKIMINING 27.08.2001 YIL 1020 SON

QARORI BILAN RO'YXATGA OLINGAN S. RAHIMOV TUMAN

DEZINFEKSIYA STANSIYASINI O'Z SAFIGA QO'SHIB OLDI.



Yuzdan bir qat'iyat



БАЁННОМА

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳудудини дезинфекция, дезинсекция, дератизация килиш хизмати бўйича “Давлат харидлари ахборот порталига” 2022 йил 03 июнда лот рақами **22110012100058**-сон бўлган, 212 173 150 сўм қийматдаги эълоннинг якуний натижари бўйича баённома расмийлаштирилди.

Мазкур баённомага асосан қуйидагилар маълум қилинди:






“Қуддус АА” МЧЖ - 75 912 648 сўм (46 балл)

“Умидли Сана” МЧЖ - 129 115 234 сўм (59 балл)

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари” тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон Қонунининг, 62-моддаси, 3-бандига асосан икки иш кунига муҳокама учун жойлаштирилган эди.

2022 йилнинг 20 июнь кунига қадар, **22110012100058** -сонли лот бўйича таклиф берган иштирокчилар томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмагани боис, университет Харид комиссиясининг баҳолаш мезонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари” тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон Қонунининг, 62-моддаси, 4-бандига асосан, “Умидли Сана” МЧЖ – **129 115 234** (бир юз йигирма тўққиз миллион бир юз ўн беш минг икки юз ўттиз тўрт) сўм қийматда берилган таклиф, энг яхши таклиф деб топилганлиги муносабати билан университет ҳамда “Умидли Сана” МЧЖ ўртасида ўрнатилган тартибда шартнома имзоланишига қарор қилинди.

**Харид комиссияси
аъзолари:**

 Г.Яхяева
 Б.Рахмонов
 Б.Джалолов
 У.Мусурмонов
 С.Мамашарифов